O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 24 февраль, № 38 (4953) Чоршанба

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

*Мамлакатимизда замонавий технологиялар билан жиҳозланган, экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаш имконига эга корхоналар сони тобора кўпаймоқда. Бундай саноат тармоқларининг қишлоқларда ҳам барпо этилаётгани эътиборга моликдир.*

**Ислоҳот**

Биргина Вобкент туманида ўтган йили "Намуна альфатекс", "Вобкентёғ", "Кумушкент ипаги" сингари мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар иш бошлади. Улар шарофати билан 300 дан зиёд киши муқим иш ўрнига эга бўлди. "Вобкенттекс-йигирувчи" унитар корхонаси ҳам ана шундай корхоналар жумласидандир.

— Корхонамиз 2009 йилнинг май ойида иш бошлаган эди, — дейди унинг ижрочи директори Рамазон Ражабов. — Бу ерда банкдан олинган кредит эвазига замонавий технологик линиялар ўрнатилган. Шу мақсад йўлида икки миллион 270 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилди.

Ҳозир бу ерда 97 нафар ишчи меҳнат қилаяпти. Уларнинг аксарияти ёшлар. Санжар Қораев ана шуларнинг бири.

— Вобкент иқтисодиёт коллежини тугатгач, шу корхонада иш бошладим, — дейди у. — Жамоа мени яхши қабул қилди. Тажрибали ишчилар кўмагида касб сирларини ўргандим. Ишлаб оиламга, эл-юртга наф келтираётганимдан хурсандман.

(Давоми 2-бетда).



## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Айни кунларда бепоён Устюрт кенгликлари узра "Қўнғирот — Бейнов" халқаро автомобиль йўли бунёд этилмоқда.*

### Халқаро йўл бунёд этилмоқда

Ўтган йили қорақалпоғистонлик йўлсозлар томонидан ушбу хайрли иш доирасида 104 километр масофадаги йўлга асфальт ётқизилди. Шунингдек, 11400 куб метр ҳажмида тупроқ ишлари бажарилди. Шу мақсадлар учун 2 миллиард 175 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ноз-неъмат конвейери

***АНДИЖОН.** "Хўжаобод мева қуритиш" масъулияти чекланган жамияти ўтган йили аҳолига 66 миллион сўмлик қуритилган мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб берган эди.*

Айни пайтда бу ерда томат қайласи ишлаб чиқаришга ихтисослашган, лойиҳа қиймати 150 миллион сўмга тенг янги технологик линия ишга туширилди. Натижада корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга ортиб, 20 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Тадбиркорнинг ташаббуси

***НАВОИЙ.** Қизилтепа туманилик тадбиркор Наврўз Ҳайдаров банкдан олган 234 миллион сўмлик кредити ҳисобига саноат корхоналарида кенг қўлланиладиган ўтга чидамли ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.*

Айтиш лозимки, шу пайтга қадар ушбу қурилиш ашёси валюта эвазига хориждан келтирилар эди. Ҳозирда бу ерда ойига 5 минг донагача ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 17 та янги иш ўрни яратилди.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида "Microsoft" корпорациясининг Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳукуматлари билан ишлаш бўйича директори Роланд Хофманн билан учрашув бўлиб ўтди.***

Учрашув чоғида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид масалалар бўйича ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболи муҳокама этилди.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган дастурларга мувофиқ, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида махсус меморандумни тайёрлаш "Microsoft" корпорацияси маҳсулотларини мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларига имтиёзли равишда тақдим этиш имконини бериши қайд этилди. Бунда "Microsoft" маҳсулотлари интерфейсини ўзбек тилига ўгириш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳам фикр алмашилди. Ўзбекистонда ҳар йили ахборот-коммуникация соҳасида уч ярим минг нафардан ортиқ мутахассис тайёрланаётгани ва бу мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар саноатини янада ривожлантириш учун замин яратиши, "Microsoft" корпорацияси ушбу имкониятдан самарали фойдаланиши мумкинлиги таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулкни ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама этилди. "Microsoft" корпорацияси томонидан ушбу йўналишда, шунингдек, хакерлар ва вирус ҳужумларидан ҳимоя қилиш масалаларида ўз мутахассислари иштирокида турли семинарлар ва тренинглар ўтказиш таклиф этилди.

Давлат бошқарувига ахборот технологияларини жорий этиш масалаларида ҳамкорлик истиқболлари ҳам кўриб чиқилди. Мазкур йўналишда "Microsoft" корпорацияси билан "Инновацион ҳукумат" дастурини жорий этиш бўйича меморандум тайёрлаш ва ушбу дастурни Ўзбекистонда амалга ошириш механизми билан боғлиқ имкониятлар қайд этилди.

Бундан ташқари, "Microsoft" корпорацияси вакилларига Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда "UZINFOCOM" компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ҳузуридаги Компьютер можароларига муносабат билдириш хизмати ташаббусларини амалга ошириш учун ҳамкорликни янада кучайтириш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

**(ЎзА).**

# СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

***Пойтахтимизда аёллар онкологик хасталикларини даволаш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

**Давра суҳбати**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Ҳаёт учун" аёллар ҳамжамияти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда кўкрак бези хавфли ўсмалари муаммоларини бартараф этишда жамоат ташкилотларининг ўрни хусусида сўз борди.

Маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотлар, расмий идоралар вакиллари, шунингдек, олимлар, шифокор ва мутахассислар, хотин-қизлар жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимизда солиқ тизимини модернизациялаш, солиқ юкини камайтиришга устувор вазифа сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада солиққа тортиш тартиби соддалаштирилиб, унинг рағбатлантирувчи роли тобора ошиб бораяпти.***

# СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ

Президентимизнинг 2009 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори билан жорий йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра, 2010 йилда бир қатор солиқ имтиёзлари қўлланилмоқда.

Гап шундаки, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш мақсадида фойда солиғининг базавий ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилди. Бунинг эвазига 52,1 миллиард сўм миқдорида маблағ корхоналар ихтиёрида қоладиган бўлди. Иқтисод қилинган ушбу маблағ ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, энг муҳими, янги иш жойлари яратишга йўналтирилиши кўзда тутилгани диққатга сазовордир.

**Анжуман**

Шу билан бирга, аҳоли даромад солиғи биринчи шкала бўйича 11 фоизга, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 7 фоизга камайтирилди. Бу аҳоли даромадининг йил давомида 102 миллиард сўм ўсишини таъминласа, кичик корхоналарда 25 миллиард сўмни тежаш имконини беради.

Тизимдаги бу каби имтиёзларни солиқ тўловчиларга кенгроқ етказиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида "Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимини модернизациялаш" мавзуидаги матбуот анжуманида атрофлича маълумот берилди.

Тадбирда қўмита раиси Б. Парпиев мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан солиқ тизими либераллаштирилиб, солиқ юкининг босқичма-босқич камайтирилганини алоҳида таъкидлади. Бу иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Давлатимиз раҳбари 2010 йил 8 январда имзолаган "Республика солиқ органлари тизимини янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қўмита ва унинг қуйи бўғинлари фаолиятини ислоҳ қилиш, ташкилий тузилмаларини ўзгартиришда дастуриламал бўлмоқда.

Яқинда ушбу ҳужжатга мувофиқ, қўмита марказий аппарати тузилмаси таркибида Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Соҳа мутахассисларининг айтишича, бу бозорлар ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига турли текширув ва назорат қилувчи органларнинг ноқонуний аралашувига барҳам беради. Чунки бозорлар, савдо мажмуалари, уларга туташ автомобиль тўхташ жойлари фаолиятини назорат қилиш вазифаси бош бошқарма зиммасига юклатилди. Эндиликда мазкур тузилма томонидан бу ерда йиғимларнинг тўлиқ ундирилиши ва ҳисобга олиниши, назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилиши, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан кунлик тезкор назорат олиб борилади. Бундан ташқари, уларга ҳудудда содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан терговолди текширишлар олиб бориш, жиноий ишлар қўзғатиш, суриштирув ишларини амалга ошириш ваколати ҳам берилган.

Анжуманда сўзга чиққанлар солиқ қонунчилигидаги ўзгартишлар ҳамда тизимдаги бундай янгиликларни аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта эканлигини эътироф этишди. Шу маънода, журналистлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, уларнинг малакасини оширишга мўлжалланган семинар-тренинглар ўтказиш мақсад мувофиқ, деб топилди.

Якунда ОАВ ходимлари ўртасида "Солиқ соҳасида энг яхши журналистик материал учун" республика кўрик-танлови ўтказилиши маълум қилинди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН ЛАТВИЯ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

***Латвиянинг "Балтийский курс" интернет-журналида "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ)нинг ташкил этилиши ва шу муносабат билан хорижий сармоядорлар учун яратилган имкониятлар ҳақида мақола эълон қилинди.***

"Навоий" ЭИИЗ қитъалараро интермодаль логистика марказини яратади" сарлавҳали мақола муаллифи электрон нашр бош муҳаррири Ольга Павук 2009 йилда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси мамлакат иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилишини қайд этади. Минтақа ривожининг истиқболли йўналиши ва "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси рақобатга дош бера оладиган юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кенгайишини таъминлайди.

Ушбу зонада тузилган қитъалараро интермодаль логистика маркази МДҲ ҳудудидаги турли хилдаги товарларнинг тезкор юклаб жўнатилиши ва олиб келиб туширилиши, уларнинг тарқатилиши ҳамда омборхоналарга жойлаштирилиши амалга ошириладиган ягона марказ бўлади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатилган юклар глобал транспорт юк ташиш тизимининг муҳим таркибий қисмига айланадиган ушбу марказ орқали ўтади.

Мақолада қатор давлатлар билан эришилган божхона тўловисиз савдо қилиш бўйича келишувлар хорижий сармоядорлар учун рағбатлантирувчи омил сифатида кўрилмоқда. Эркин индустриал-иқтисодий зона Хитой, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия каби давлатлар инвестициялари жалб этилган йирик лойиҳаларни амалга оширишни бошлаб юборгани айтилади.

**Дунё нигоҳи**

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зонанинг алоҳида қизиқарли томони шундаки, бунда бир вақтнинг ўзида ўзаро бири-бирини тўлдирадиган ва ривожланишига ёрдам берадиган юк ташиш ҳамда ишлаб чиқариш йўналишлари ташкил этилади ва ривожланади. Навоий вилоятида ҳар иккала йўналиш фаолияти учун ҳам қулай имкониятлар мавжуд.

2009 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонага хорижий сармояларни жалб этишга бағишланган халқаро анжуман иштирокчилари Ўзбекистоннинг саноатни диверсификация қилиш, тайёр маҳсулотлар экспортини ва инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолашди, дейилади мақолада.

Муаллиф Осиё тараққиёт банки вице-президенти Шиао Жаонинг шундай мулоҳазаларини айнан келтиради: "Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг истиқболли давлатлардан бири саналади, ҳозир бугунги кун учун энг долзарб йўналишлардан бири саналган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонадаги лойиҳаларга сармоявий улуш қўшишни жонлантиришнинг вақти келди".

(Давоми 2-бетда).

**Олий Мажлиснинг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади. Ва бу давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида алоҳида эътироф этилди.**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ

## изланувчанлик ва ташаббускорликни талаб қилади

Юртбошимиз ўз нутқларида бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда, парламентимизнинг аввалги фаолиятидаги камчилик ҳамда нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолган имкониятлар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди. Айниқса, ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги жиддий танқид қилинди.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ушбу масалалар атрофлича муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари кўрсатиб ўтган камчиликлар парламент ишининг барча йўналишларини чуқур мушоҳада ва таҳлил қилишни, айниқса, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятининг устувор йўналишларини аниқ белгилаб олишни тақозо этади. Бунда мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг қонунчилик ва норматив базасидаги нуқсонларга тезда барҳам беришга, шунингдек, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Шу билан бирга, қонун ижодкорлиги фаолияти жараёнида жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини доимо эътиборга олиш муҳимлиги ҳам палата мажлисида алоҳида таъкидланди.

**Мушоҳада**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги йўналишида парламентдаги фаолиятини изчил амалга оширади. У ўз электорати олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда, сайлов округида қонунларнинг қандай ишлаётгани ҳолати ҳамда сайловчилар дуч келаётган муаммолар сабабини ҳуқуқий асослар кесимида ўрганади. Шу нуқтаи назардан айтганда, парламент — жамиятда қонун чиқарувчи ҳокимият ва унинг асосий, устувор йўналиши қонун ижодкорлиги жараёни билан боғлиқлигидир. Шу жиҳатдан қараганда, доимий асосда фаолият юритадиган, профессионал палата бўлмиш унинг Қонунчилик палатаси бу иш учун жамият, сайловчилар олдида ҳисобдордир.

Қонун ижодкорлиги борасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатига конституциявий даражада ҳуқуқ берилганки, у фақат қонун лойиҳалари муҳокамасида ўз фикрларини билдирибгина қолмай, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланади. Бу меъёр Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ давлатимиз раҳбари ҳар иккала палата қўшма мажлисидаги маърузасида, кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан фақат 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилганини қайд этди. Бундай ҳолат юзага келишига сабаб бўлувчи номувофиқликлар давлатимиз раҳбари томонидан асосли танқид қилинди, эндиликда қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаби қўйилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси мажлисида кейинги беш йиллик фаолият режаси батафсил муҳокама қилинди. Бунда Президентимиз томонидан кўрсатиб ўтилган камчиликлар ҳамда устувор йўналишлар ҳисобга олинди, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини такомиллаштириш юзасидан бир қатор аниқ таклифлар киритилди. Жумладан, депутатларга берилган қонун ташаббускорлиги ҳуқуқидан янада самарали фойдаланиш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда партияларнинг дастурий мақсадларини ва сайловчиларнинг манфаатларини кенгроқ ифода этиш таклиф қилинди. Бунда, аввало, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар мазмунини чуқур англаш ҳамда уларни ҳуқуқий асословчи қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва тақдим этиш ўрин олган.

Ушбу устувор вазифаларни амалга оширишда янги таркибдаги депутатлардан юз бераётган воқеликлардан доимий хабардорлик, изланиш, ўз устида тинимсиз ишлаш, ташаббускорлик кўрсатиш, ғоялар тортишуви асосида рақобатдош лойиҳаларни таклиф этишлари талаб этилади. Бунинг учун сиёсий партиялар жамиятдаги фаол сиёсий куч сифатида нафақат парламентдаги фракцияси имкониятларидан, балки халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари кўмагидан ҳам тўла фойдаланишлари зарур.

Мақсадимиз, кучли фуқаролик жамиятини қуриш экан, унинг пойдеворини ташкил этувчи институтлар — маҳалла, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш лозим. Ушбу вазифани амалга оширишда эса халқ вакиллари, аввало, сайловчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиши, шу билан бирга, мамлакат ривожи ва юксалиши учун узоқ истиқболга мўлжалланган қонунларнинг қабул қилинишида масъул бўлишлари айни муддаодир.

**Камола ҲАМИДОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# Фермер ва менежмент

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар, хусусан, аграр секторни ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида фермерлар тармоқнинг асосий таянч кучига айланиб бораётир.***

**Тадбир**

Бугунги кунда мамлакатимизда 5 миллион 824 минг гектар ерда 80 мингта фермер хўжалиги меҳнат қилмоқда. Фермерларнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида МТП, Сув истеъмолчилари уюшмаси, минерал ўғит сотиш, транспорт, консалтинг, маркетинг хизматлари шохобчалари самарали фаолият олиб бораяпти.

Қолаверса, кейинги йилларда қишлоқ мулкдорларининг хорижлик шериклар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам фаоллашмоқда. Натижада бугунгача 300 нафардан зиёд фермер ва мутахассис хорижда бўлиб, қишлоқ хўжалигидаги замонавий хизмат турлари, аграр соҳани ривожлантириш дастурлари ва қайта ишлаш технологиялари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Японияниннг "JICA" халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда "Фермер хўжаликларини ривожлантиришда менежмент ва маркетингнинг ўрни" мавзуида ташкил этган илмий-амалий семинарда ана шулар тўғрисида фикр юритилди.

Семинар давомида қишлоқ хўжалигидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, фермерлар фаолиятига инновация лойиҳаларини татбиқ этиш юзасидан маърузалар тингланди.

**Д. УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бугун фарғоналиклар бир гапни такрор-такрор айтмоқдалар: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган кенг кўламли, улкан бунёдкорлик ишлари натижасида вилоятдаги қишлоқ ва маҳалла, гузар ва кентлар қиёфаси тубдан ўзгармоқда.***

# КЎРКАМ ҚИШЛОҚЛАР ЖАМОЛИ

Гап шундаки, мазкур қарор асосида тузилган вилоят дастури талабларини ижро этиш учун 240 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланди. Бутун дунёда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари сезилиб турган бир пайтда шунча миқдордаги маблағни ажратишнинг ўзи бўлмайди, албатта.

Эътиборли жиҳати шундаки, бунинг натижасида вилоят бўйича қарийб 170 та янги иншоот, шу жумладан, тураржойлар, мактаб ва коллежлар, гузар ва маъмурий объектлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. 89 та мактаб мукаммал, 44 таси эса жорий таъмирдан чиқарилди. Уларнинг аксарияти олис қишлоқларда бунёд этилгани, айниқса, эътиборга лойиқдир.

**Жараён**

Олтиариқ, биласиз, нафақат ўзининг танти деҳқонлари, уддабурон тадбиркорлари, балки маъданли сувлари билан ҳам юртимизда маълум ва машҳур. Айни кунларда бу ерда ўнга яқин сиҳатгоҳ ишлаб тургани шундан далолат беради.

"Жаҳонгир Мирзо" хусусий шифо масканида шифобахш сувни қадоқлайдиган кичик корхона ишга туширилди. Бугунги кунда ушбу табиат неъмати 0.5, 1,3, 10 ва 20 литрли идишларда истеъмолчиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Бувайда туманидаги Ўрта қишлоқ маҳалласида истиқомат қилувчи аҳолининг ҳам азалий орзуси ушалди: уларни 300 метр чуқурликдаги артезиан қудуғи орқали экологик тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бунинг учун давлат бюджетидан 50 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Учкўприк туманидаги Собиржон, Тўқай, Суюнчи чол қишлоқларининг аҳолиси ҳам шундай қулайликлардан баҳраманд бўлишди. Аниқроқ қилиб айтганда, якунланган йилда Фарғона вилоятида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида биргина марказлашган маблағлар ҳисобидан 24 та қишлоқда артезиан қудуғи кавланиб, 26,8 километрлик сув тармоқлари қурилди. Пировардида 31 минг нафар қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилди.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Фарғона телеком" филиали жамоаси эса қишлоқ жойлардаги эскирган АТСларни рақамли алоқа тизимига ўтказиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Илгари бундай алоқа тизимлари, асосан, хориж мамлакатларидан олиб келинган бўлса, ҳозирда улар Тошкентдаги "Коинот" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган қурилмалар билан жиҳозланаяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида эски АТСлар ўрнига 32 та замонавий СГМ қурилмаси ўрнатилгач, вилоятдаги 80 фоизга яқин қишлоқлар локал алоқа тизими билан қамраб олинди, салкам 150 нафар йигит-қиз эса доимий иш жойига эга бўлди.

Бундай бунёдкорлик ишлари, ўз навбатида, қишлоқларга ўзгача кўрк бахш этмоқда. Қишлоқ кўрки эса юрт чиройидир.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олия Аҳмедова — йигирув цехи ишчиси. Дастгоҳларни бошқаришини кузатиб, унинг ўз касбининг устаси эканини пайқайсан, киши.

— Илгари Бухоро шаҳрида жойлашган собиқ "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилганман, — дейди Олия. — Кумушкент қишлоғиданман. Бир гуруҳ ҳамкасбларим билан 30-35 километр йўл босиб, шаҳарга қатнаганимни эсласам, алланечук бўлиб кетаман. Туманимизда шундай корхонанинг ишга тушганлиги менга ўхшаган қишлоқ хотин-қизлари учун айни муддао бўлди...

Ўтган йили корхонада 952 тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Унинг бир қисми, аниқроғи, 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Ҳозир бу ерда ойига ўртача 100-110 тонна маҳсулот тайёрланмоқда. Шу билан бирга, қувватларни тўлиқ ишга солиш имкониятлари изланаяпти. Мақсад рўёбга чиқиши билан иш ўринлари сони ҳам, маҳсулот миқдори ҳам ошади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ислом тараққиёт банкининг хусусий тармоқ бўйича ижрочи директори Холид ал-Абудий глобал инқироз шароитида кенг кўламга эга бўлган "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона лойиҳаси амалга оширилишининг бошланиши Ўзбекистон ҳукуматининг прагматиклиги ва ўз кучига ишонишидан далолат беришини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг ташқи қарздорлик даражасининг камлиги ва қатъийлиги билан хорижий инвесторлар ишончига сазовор бўлган сиёсий барқарорлиги бунинг муҳим тасдиғи сифатида намоён бўлади.

# ЎЗБЕКИСТОН ЛАТВИЯ МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Мақола муаллифи, шунингдек, Жаҳон банкининг кўп томонлама сармоялар кафолати бўйича агентлиги молиявий директори Кевин Лунинг: "Жаҳон банки минтақадаги етакчи саноат мамлакати саналган Ўзбекистоннинг макроиқтисодий муваффақиятларини ижобий баҳолайди ва кон-руда қазиб олиш, машинасозлик, энергетика, углеводород конларини қазиб олиш бўйича сармоявий лойиҳаларни суғурталаш жиҳатидан қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдиради", деган сўзларига эътибор қаратади.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зона доирасида ишлаб чиқилган мислсиз солиқ қулайликлари билан бир қаторда, Ўзбекистон банкларининг молиявий инқироз шароитидаги муваффақиятли фаолияти хорижий сармоядорлар ва ишбилармон доиралари эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Жанубий Корея томони Ўзбекистонга дунёда ўз ўрнига эга бўлган "Кореан эйр карго" бренди томонидан ишлаб чиқилган илғор технологияларни олиб киришдан, минтақада унга ўхшагани мавжуд бўлмаган Марказий Осиёдаги етакчи хабнинг шаклантирилишидан манфаатдор", деб ёзади нашр.

"Балтийский курс" интернет-журналида қайд этиладики, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада 187 миллион АҚШ доллари қийматига эга бўлган саноат корхоналари ташкил этиш бўйича 19 та битим имзоланган. Ушбу корхоналар тўла ишга туширилганда бир йилда 375,5 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқарилади ва уларнинг қарийб ярми экспорт қилинади. 2010 йилда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада 50 та лойиҳа ўзлаштирилиши режалаштирилган.

**«Жаҳон» АА.**
Рига

# Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар

***Косон туманида ташкил этилган "Вопи kosmetiks" корхонаси маҳсулотларига ички бозорда талаб ортиб бормоқда.***

Лойиҳа қиймати 1 миллиард 465,3 миллион сўмлик ушбу корхонада импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар — шампунь ва бальзам ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш лозимки, бу ерда тайёрланаётган косметика маҳсулотлари сифат жиҳатидан хорижникидан асло қолишмайди. Янги корхона ишга тушиши билан 50 та янги иш ўрни яратилди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЮРТ ФАРОВОНЛИГИ ХИЗМАТИДА

***Нукусдаги "Эталон-Инвест" кичик корхонаси фаолиятини бошлаганига кўп бўлмади. Шунга қарамай, бу ерда сезиларли натижалар қўлга киритилмоқда. Жумладан, шу йил бошидан буён аҳолига 5 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Албатта, бу борада "Микрокредитбанк"нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан ажратилган 14 миллион сўмлик кредит қўл келмоқда.***

Мазкур молия муассасаси кредити ҳисобидан қаддини тиклаб олаётган корхоналар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Манғит шаҳридаги "Даврон — Назокат" хусусий корхонаси ҳам шулар жумласидан. Ушбу корхонага банкнинг туман бўлимидан икки йил муддатга 16 миллион сўм кредит ажратилгач, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ускуналар келтириб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда кўпчиликка манзур бўлаётган ширмой нонлар ишлаб чиқарилмоқда. Элликқалъадаги "Хуршида бизнес" хусусий корхонасида эса банкнинг 12 миллион сўм кредити ҳисобига мебель ва уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу корхоналарда йигирмага яқин иш ўринлари яратилди.

**Интилиш**

— Ўтган йили кичик банкимиз томонидан бизнес субъектларига жами 11 миллиард 532,2 миллион сўмлик микрокредит ажратилиб, микролизинг хизматлари кўрсатилди, — дейди "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғи Амангелди Исаев. — Ушбу сармоя ҳисобига жойларда 6 минг 831 та иш ўрни яратилди. Шу билан бирга, 1 миллиард 42,4 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар туфайли мингга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда элликка яқин тадбиркорга берилган 611,2 миллион сўмлик имтиёзли кредит Оролбўйида транспорт, савдо, алоқа, туризм, сервис хизмати соҳаларини янада ривожлантиришга замин яратди.

Ушбу банкда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 274 та ёш оилага ажратилган 959,6 миллион сўм кредит уларнинг турмушини яхшилашга хизмат қилаётир.

— Банкимизнинг кредит портфели 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 20 миллиард 904 миллион сўмни ташкил этмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Бу — банк активининг 87,7 фоизи, демакдир. Жорий йилда мазкур кўрсаткични янада яхшилаш, аҳолини моддий қўллаб-қувватлашни кучайтириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Бундан ташқари, нақд пул тушумларини таъминлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этиш борасида ҳам изланиш олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, ушбу молия муассасасига аҳоли ишончи тобора ортмоқда. Зеро, банк сармоясининг юрт фаровонлигига хизмат қилаётганлиги ишончни янада мустаҳкамламоқда.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# СОҒЛОМ АЁЛ – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

(Давоми. Боши 1-бетда).

сақлаш вазири А. Икромов, Республика гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот институти директори Ҳ. Каримов, Республика онкология илмий маркази раҳбари С. Наврўзов ва бошқалар мамлакатимизда она ва бола саломатлиги борасидаги ғамхўрлик Президентимиз юритаётган ижтимоий йўналтирилган сиёсатнинг муҳим устувор йўналишларидан бири эканини алоҳида таъкидлашди. Истиқлол йилларида миллий тажриба ва халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда, аҳолига, жумладан, онкология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатишга ёндашувни тубдан ўзгартириш имконини берган янгиланишлар амалга оширилди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда кўкрак бези саратони хасталигининг олдини олиш борасида соғлиқни сақлаш муассасалари, нодавлат ташкилотлар, давлат идоралари ва фармацевтика компанияларининг ўзаро изчил ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли саратон касаллигининг олдини олиш, уни ўз вақтида аниқлаш ва даво чораларини қўллаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Йилига шундай касалликка чалинган икки минг нафар бемор аниқланиб, улар тиббий диспансерларда замонавий тиббий ускуналар ҳамда дори воситалари ёрдамида даволанаётир. Мамлакатимиз онколог олимларининг ушбу хасталикни даволаш юзасидан хорижлик мутахассислар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқалари йўлга қўйилганлиги, айниқса, аҳамиятлидир. Мазкур соҳадаги илмий-амалий ҳамкорлик натижасида даволашнинг янгича усуллари ва касалликка аниқ ташхис қўйиш борасида сезиларли ютуқлар қайд этилаяпти.

Аҳолига онкологик хизмат кўрсатиш тизимидаги ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, бу борадаги профилактика ишлари самарадорлигини оширишда жамоат тузилмалари ҳам фаол иштирок этаётир. "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ана шундай тузилмалардандир. Мазкур тузилма ҳузурида ташкил этилган кўкрак бези саратони билан хасталанган аёллар жамияти ушбу йўналишда қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган бундай кенг кўламли чора-тадбирлар туфайли мамлакатимизда онкологик хасталикларни барвақт аниқлаш кўрсаткичлари бир неча баробарга ошди.

Давра суҳбатида жаҳон тиббиётининг бу борадаги ютуқлари, юрак, без ва онкологик хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш билан боғлиқ вазифалар муҳокама қилиниб, аёллар саратон хасталикларини бартараф этишда турли вазирлик ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада кучайтиришга келишиб олинди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 23 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1386,23 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2506,03 |
| 1 Дания кронаси | 281,99 |
| 1 БАА дирҳами | 418,70 |
| 1 АҚШ доллари | 1537,35 |
| 1 Миср фунти | 279,98 |
| 1 Исландия кронаси | 12,04 |
| 1 Канада доллари | 1481,78 |
| 1 Хитой юани | 225,17 |
| 1 Малайзия ринггити | 452,96 |
| 1 Польша злотийси | 529,21 |
| 1 СДР | 2343,91 |
| 1 Туркия лираси | 1019,33 |
| 1 Швейцария франки | 1431,42 |
| 1 евро | 2252,22 |
| 10 Жанубий Корея вони | 13,38 |
| 10 Япония иенаси | 167,85 |
| 1 Россия рубли | 50,99 |
| 1 Украина гривнаси | 192,18 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

**ЖАҲОН 24 соат ичида**

## Автомагистралдаги ҳалокат



***Перудаги "Панамерикан" деб номланган автомагистралда кўнгилсиз воқеа рўй берди.***

Оммавий ахборот воситалари хабарига кўра, бу ерда икки автобус тўқнашиб кетган. Оқибатда, 38 киши ҳаётдан кўз юмган, ўнлаб йўловчилар жароҳатланган. Ҳозирча воқеа сабаблари аниқ эмас. Полиция суриштирув ишларини олиб бормоқда.

## Харид қилиш имконияти ошган

***Жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз нефть импорт қилувчи давлатларга сезиларли даражада таъсир ўтказмоқда.***

"The Financial Times" газетасида ёзилишича, шу даврга қадар Саудия Арабистонида ишлаб чиқариладиган "қора олтин"-га, асосан, АҚШ харидор ҳисобланарди. Бироқ 2009 йил якунлари бўйича бу борада Хитой ўзиб кетди. Яъни ушбу мамлакат ўтган йили Саудия Арабистонидан бир миллион баррель нефть сотиб олган.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, 2009 йилда Хитой ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,7 фоиз ўсган.

## Энг қиммат савдо белгилари

***Буюк Британиянинг "Brand Finance" агентлиги дунё бозоридаги энг қиммат савдо белгилари рўйхатини эълон қилди.***




Унда "Walmart" бренди биринчи ўринда қайд этилган. "Google" ҳамда "Coca-Cola" савдо белгилари эса иккинчи ва учинчи поғонани бўлишиб олган. Кучли ўнталикка "IBM", "Microsoft", "GE", "Vodafone Telecoms", "HSBC", "hp" ва "Toyota" компаниялари номлари киритилган.

## «Аватар» ортда қолди

***Лондонда Буюк Британия киноакадемияси ва телевидение санъати (BAFTA) мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Бу йилги танловда "Энг яхши фильм" деб "Довуллар ҳукмдори" картинаси топилди. Мазкур фильм режиссёри Кэтрин Бигелоу эса "Энг яхши режиссёр" номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

Қизиғи шундаки, жаҳон микёсида катта шов-шувга сабаб бўлган "Аватар" фильми "BAFTA"нинг саккизта йўналиши бўйича даъвогарлик қилган бўлса-да, бирор-бир мукофотга лойиқ кўрилмади.

## Яна бир янги рекорд



***Яқин кунларда "Гиннеснинг рекордлар китоби"га яна бир янги маълумот киритилиши мумкин, дея хабар беради "Рейтер" ахборот агентлиги.***

Гап шундаки, АҚШнинг Аризона штатида улкан ит яшайди. Унинг бўйи 1,09 метр, оғирлиги эса 111 килограммга тенг.

Жорий ҳафта бошида "Гиннеснинг рекордлар китоби" нашриёти вакиллари итни бориб кўришган. Тез вақт ичида уларнинг қарори эълон қилинади.

## Ёнилғисиз машина

***Финляндиянинг "Valmet Automotive" автомобилсозлик компанияси электр энергияси ёрдамида ҳаракатланувчи янги автомобилни ишлаб чиқарди.***

"Eva" номли бу машина тўрт кишига мўлжалланган. У ҳеч қандай ёнилғисиз, ўз аккумулятори ёрдамида 260 километргача бора олади.



Мазкур автоулов шу йилнинг март ойида Женевада бўлиб ўтадиган кўргазмада намойиш этилади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***2009 йилнинг 25 август куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Сурхондарё вилоятига қилган сафарлари чоғида Термиз давлат университети (ТерДУ)га ҳам ташриф буюрдилар. Юртбошимиз ана шу олий таълим даргоҳида қуриб битказилган муҳташам янги бинонинг очилиш маросимида иштирок этиб, нутқ сўзладилар. Бу ўтган 2009 йилдаги маънавий ҳаётимизнинг муҳим воқеаларидан бири сифатида фахр билан эсланади.***



# НАВҚИРОН АВЛОДГА БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК

Давлатимиз раҳбари университет ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан суҳбатлашар эканлар, ўқув-услубий, илмий-маънавий масалаларга тўхталиб, Сурхон воҳасининг моддий ва маънавий маданиятимиз илк ўчоқларидан бири сифатидаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар.

Юртбошимизнинг, айниқса, Сурхондарёни "этнографик макон", дея алоҳида эътироф этганлари барчамизни ғурурлантириб, руҳимизга руҳ, ғайратимизга ғайрат қўшди. Шу муносабат билан Сурхон воҳаси аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари ва маросимларини ўрганиш мақсадида университетимиз олимлари билан ҳамкорликда "Сурхондарё — этнографик макон" веб-портал сайтини яратиб, таълим амалиётига жорий этдик.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинким, Юртбошимизнинг катта жасорати, оқилона саъй-ҳаракатлари туфайли истиқлолга эришдик. Халқимиз ўзлигини англади, улуғ бобокалонларимиз мероси, эзгу қадриятларимиз янгидан қадр топди, хароб ётган муқаддас қадамжоларимиз ободонлаштирилди, таъмирланди, қайта тикланди. Ўзбекистон улкан бунёдкорлик майдонига айланди.

Мана, ўн тўққизинчи йилдирки, барча соҳада катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Юртбошимиз ташаббуслари билан қурилган узунлиги 223 километрлик "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлини олиб кўрайлик. Ўтган йилларнинг энг маҳобатли қурилишларидан бири сифатида тарих саҳифаларидан жой олган ушбу темир йўл бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг олтин йўлакларидан бирига айланиб, фаровонлигимизга хизмат қилмоқда. "XXI аср мўъжизаси" деб ном олган мазкур объект эндиликда нафақат вилоятимиз, балки республикамиз истиқболини белгилашда муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозирги кунда бу ҳудудда қанчадан-қанча конлар ўзлаштирилиб, саноат корхоналари қурилиши бошланиб кетди. Айтаверсак, истиқлол берган имкониятларнинг сон-саноғи йўқ.

Табиийки, буни таълим тизимида юз берган улкан ўзгаришларда ҳам кўрамиз. Аслида, яқин ўтмишда таълим тизимимиз жаҳон цивилизациясининг илғор ютуқларидан ва халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди. Ўз вақтида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида таълим соҳасида туб ислоҳотлар бошланиб, халқимизнинг интеллектуал бойликларини, жаҳон фани ва маданиятининг энг яхши ютуқларини ўзига сингдириб оладиган янги авлодни камол топтиришга киришилди.

Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб ном берилган 2010 йилда мамлакатимизда таълим ислоҳоти янада юқори босқичларга кўтарилади. Эндиги ўқувчи ва талаба-ёшлар замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали жаҳоннинг хоҳлаган таълим маскани ва билим манбаларига уланиш, мулоқот қилиш имкониятига эга.

### Куч — билим ва тафаккурда

Университетимизда ўқув жараёнлари, асосан, янги педагогик технологияларга таянган ҳолда олиб борилаяпти. Ёшлар онгига миллий истиқлол ғояси чуқур сингдирилмоқда. ТерДУ таркибида 10 та факультет бўлиб, унда 506 нафар профессор-ўқитувчи илмий ва педагогик фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 23 нафари фан доктори, профессорлар, 135 нафари эса фан номзоди ва доцентлардир. Бакалавриатнинг 30 та таълим йўналиши бўйича қарийб 8 минг нафар талаба, магистратуранинг 10 та мутахассислиги бўйича 121 нафар магистр, 5 та аспирантура йўналишлари бўйича 13 нафар аспирант таълим олмоқда. Талабаларимиз орасида 2 нафар Зулфия номидаги Республика давлат мукофоти соҳибаси, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва Абу Райҳон Беруний номидаги давлат стипендиялари совриндорлари борлиги биз учун қувончлидир.

Олий таълим даргоҳимизда ривожланган хориж давлатлари билан алоқа боғлаш ва уни мустаҳкамлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чет эллик олимлар билан кенг кўламда ҳамкорлик йўлга қўйилган. Университетимизнинг ўнлаб профессор-ўқитувчилари ривожланган давлатларнинг олий ўқув юртларида бўлишиб, тажриба алмашишди ва маърузалар ўқиб келдилар. Жанубий Кореянинг Сун-Мун ва Кенг-Бук университетлари билан илмий-педагогик шартномаларнинг имзоланганлиги фикримиз исботидир. Жамоамиз "Осиё университетлари федерацияси" аъзолигига қабул қилинди. Бундан ташқари, Германиянинг Бонн ва Мюнхен, Малайзиянинг Мультимедиа ва Мара, Жанубий Кореянинг Кеимюнг, Ҳиндистоннинг Деҳли университетлари, Россия Федерациясининг Москва давлат университети билан ҳамкорликда ишламоқда.

Университетимизнинг янги ўқув биноси қурилиши биз, устозларнинг, талаба ёшларнинг ҳаётида туб бурилиш бўлди. Айтиш керакки, шу кунгача университет ўқув биноларининг умумий майдони 23 минг 150 кв.м.ни ташкил этарди. Бу кундузи ўқийдиган талабаларга тақсимлаганда, 2,16 кв.м. ўқув майдони, демакдир. Бу эса белгиланган меъёрлардан анча паст эди.

Янги бинони қуриш учун давлат ҳисобидан қарийб 9 миллиард сўм пул сарфланди. Шунингдек, университетимиз қарийб 400 миллион сўмлик энг сўнгги моделдаги компьютерлар, ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳамда вилоятимизда ягона бўлган видеоконференция зали ташкил этилди. Шу залдан туриб, ахборотларни тўғридан-тўғри телевидениега, интернет тармоғига узатиш имконияти мавжудлиги барчамизни қувонтиради.

Рўй-рост айтиш керак, бугунги кунда замонавий жиҳозланган янги бинода эскича ишлаб бўлмайди. Шунинг учун профессор-ўқитувчиларимиз ҳам, талаба-ёшларимиз ҳам ўз зиммаларига катта масъулият олдилар. Энди замонавий талаблар даражасидаги билим ва малакага эга бўлмаган ўқитувчи бу майдонда ожизлик қилиб қолади. Шу ўринда Юртбошимизнинг яна бир фикрлари ёдга тушади: "Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак".

Ўйлайманки, бизнинг жамоамиз Юртбошимиз томонидан қўйилган талабга ва яратиб берилган ғамхўрликларга ўзларининг фидойиликлари билан жавоб берадилар. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, баркамол авлод тарбияси ва фан-техника тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.

**Мамат ҲАЙДАРОВ,**
**Термиз давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори.**

"Росагропромснаб" МЧЖ

**ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



Маҳсулот сертификатланган.

**Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.**

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

17R/1788

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача 236-09-25

02

**«АСАКА» банки (ОАЖ)**

ASAKA BANK

**юртимиз аёлларини баҳор байрами — 8 Март билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:**

**«ВЕСЕННИЙ»**
Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 18 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:**

**«СТАБИЛЬНЫЙ» еврода**
Сақланиш муддати — 3 ой, омонат бўйича йиллик 8 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат ёпилганда берилади.

**«СТИМУЛ» АҚШ долларида**
Сақланиш муддати — 1 ой, омонат бўйича йиллик 9 фоиз ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизлар омонат очилган куни берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ) САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент шаҳри филиали | (371) | 120-83-13 |
| 2. | «Автотранспорт» филиали | (371) | 120-39-95 |
| 3. | Шайхонтоҳур филиали | (371) | 140-39-36 |
| 4. | Юнусобод филиали | (371) | 225-16-46 |
| 5. | Сергели филиали | (371) | 258-67-49 |
| 6. | Тошкент вилояти филиали | (371) | 120-84-13 |
| 7. | Андижон вилояти филиали | (374) | 224-40-96 |
| 8. | Асака филиали | (374) | 233-13-69 |
| 9. | «Фарҳод» филиали | (374) | 229-97-53 |
| 10. | Фарғона вилояти филиали | (373) | 224-70-83 |
| 11. | Марғилон филиали | (373) | 237-12-37 |
| 12. | Олтиариқ филиали | (373) | 432-10-11 |
| 13. | Қўқон филиали | (373) | 552-61-04 |
| 14. | Наманган вилояти филиали | (369) | 226-94-75 |
| 15. | Навоий вилояти филиали | (436) | 223-54-32 |
| 16. | Зарафшон филиали | (436) | 573-18-78 |
| 17. | Бухоро вилояти филиали | (365) | 223-71-94 |
| 18. | Бухоро шаҳри филиали | (365) | 770-11-27 |
| 19. | Самарқанд вилояти филиали | (366) | 231-08-86 |
| 20. | «Афросиёб» филиали | (366) | 234-17-96 |
| 21. | Қашқадарё вилояти филиали | (375) | 221-12-93 |
| 22. | Сурхондарё вилояти филиали | (376) | 770-82-12 |
| 23. | Қорақалпоғистон филиали | (361) | 223-72-47 |
| 24. | Хоразм вилояти филиали | (362) | 226-97-78 |
| 25. | Сирдарё вилояти филиали | (367) | 225-44-03 |
| 26. | Жиззах вилояти филиали | (372) | 226-43-11 |

*Хизматлар лицензияланган.*

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;*
- *маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;*
- *эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;*
- *миқдори чекланмаган.*

145R/150

SONATA

Ўз йўлингни танла!




Drive your way

Тўловни бўлиб-бўлиб 1 йил давомида амалга ошириш мумкин.

Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner
www.hyundai.com.uz
Tel. (8-371) 250-11-11

30R/1835

"Kafolat" davlat-aksiyadorlik sug`urta kompaniyasi (ОАЖ) жамоаси Жиззах вилояти филиали директори Фахриддин Раҳмоновга падари бузрукври

**НОРЙИГИТ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Нефть ва газ конларини ишлатиш кафедраси доценти Б. Ш. Акрамовга қизи

**Зулфия АКРАМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Бадиий академияси Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Китоб графикаси ва миниатюра кафедраси катта ўқитувчиси Эркин Нўмоновга онаси

**МУКАРРАМ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт

*Кеча футбол бўйича қитъамизнинг энг нуфузли мусобақаларидан ҳисобланган Осиё чемпионлари лигаси ва кубогининг гуруҳ баҳсларига старт берилди.*

## «Бунёдкор»нинг йирик ғалабаси

Хабарингиз бор, Осиё чемпионлар лигасининг бу йилги мавсумида "Бунёдкор" ва "Пахтакор", кубок беллашувида эса "Насаф" жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда. Албатта, учала жамоамиз мусобақага хорижда ва мамлакатимизда ташкиллаштирилган ўқув-йиғин машғулотлари орқали пухта ҳозирлик кўришди.

23 февраль куни пойтахтимиздаги "Жар" стадионида мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони "Бунёдкор" Осиё чемпионлари лигасининг ўтган йилги финалчиси, Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоасини қабул қилди.

Қувончлиси, шу куни стадионга йиғилган ўн мингдан ортиқ ва телевидение орқали уларга қўшилган миллионлаб футбол ишқибозлари севимли жамоамизнинг рақибига қарши ўйинда ҳар томонлама устунликка эришганига гувоҳ бўлишди. Натижа ҳам шунга яраша — 3:0, "Бунёдкор" фойдасига. Меҳмонлар дарвозасига тўпларни Ривалдо, Жасур Ҳасанов ва Денилсон киритишди.

Умид қиламизки, бугун баҳсларга киришадиган "Пахтакор" ва "Насаф" жамоалари ҳам ўзларининг чиройли ўйинлари билан мухлисларни хушнуд этишади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

## Таэквондочилар шоҳсупада

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрлик туфайли спортчиларимизнинг турли халқаро турнирларда ғолиблар қаторидан жой олиши одатий ҳолга айланиб қолди.***

Жумладан, яқинда таэквондо ВТФ бўйича Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган Америка очиқ чемпионатида ҳам икки нафар спортчимиз совриндорлар сафидан жой олди. Ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан келган тажрибали таэквондочилар иштирок этганлигини инобатга олсак, медаллар учун кураш нақадар жиддий кечганлиги ойдинлашади. Халқаро мусобақада Пекин Олимпиадаси иштирокчилари Евгения Каримова кумуш, Дмитрий Ким эса бронза медалини қўлга киритди.

**Музаффар НАЗАРОВ.**

# ЮРАК ЖАРРОҲЛИГИДА НОЁБ АМАЛИЁТ

***...Кейинги пайтда Давроннинг юраги тез-тез безовта қиладиган одат чиқарди. Бундан хабар топган яқинлари унга танбеҳ беришди. Ахир юрак билан ҳазиллашиб бўладими?!***

Даврон Республика кардиология марказига келгач, бу ердаги шарт-шароит билан танишди. Кўрилган муолажалар самараси ўлароқ, у тез орада дарддан фориғ бўлиб, оиласи бағрига қайтди.

Дарҳақиқат, ушбу марказда хизмат қилаётган 10 нафар фан доктори, 30 нафар фан номзоди, қўли енгил шифокорлару ҳамширалардан миннатдор бўлаётган юртдошларимиз кўплаб топилади. Марказ жамоаси ҳозирда юрак-қон томир касалликлари — артериал гипертония, юрак ишемияси, қон айланиши етишмовчилиги, юрак аритмияси сингари хасталикларни даволашни такомиллаштириш, уни амалиётда қўллаш борасида изланишларни давом эттирмоқда. Бу борада, айниқса, Томск кардиология илмий текшириш институти билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бераётганлигини айтиш жоиз. Мутахассис-шифокорларимиз Марказий Осиёда биринчи бўлиб 2008 йилда кўкрак қафасини очмасдан юрак аритмиясини даволаш бўйича жарроҳлик амалиётини муваффақиятли уддалашганди. Эндиликда ушбу усул кенг қўлланилмоқда.

— Бу усулдаги жарроҳлик амалиётини амалга ошириш учун, аввало, замонавий технологик талабларга жавоб берадиган тиббий ускуналар ҳамда жарроҳлик жараёнини тасвирга олиш мосламасига эга бўлган "РТС-612М" рентген аппарати ва "ЭЛКАРТ II" комплекси зарур эди, — дейди Республика кардиология маркази катта илмий ходими, тиббиёт фанлари доктори Бахтиёр Амирқулов. — Президентимизнинг тиббиёт тизимини ривожлантиришга қаратаётган юксак ғамхўрликлари туфайли ушбу ускуналарнинг барчаси олиб келиб ўрнатилди. Ҳозирда улардан унумли фойдаланаяпмиз.

Бир нечта ишчи қисмдан иборат "ЭЛКАРТ II" қурилмасида махсус электрод ўрнатилган бўлиб, у ингичка найча кўринишига эга. Ушбу электрод беморнинг сон томирига киритилади ва махсус катетер бир зумда юракка етиб боради. Катетер кўмагида юракнинг турли қисмидан электрограммалар ёзиб олиниб, хасталикка сабаб бўлган "ўчоқ" аниқланади. Шундан сўнг даволаш жараёни бошланади. Гап шундаки, "ЭЛКАРТ II" ёрдамида махсус радиотўлқинли ток юракда турган катетерга узатилади ва унинг кўмагида аритмияга сабаб бўлган майдон зарарсизлантирилади, яъни даволанади. Муҳими, барча жараён махсус экран орқали малакали шифокорлар томонидан кузатилиб, назорат қилиб борилади. Қарабсизки, бемор тез орада юрак хасталигидан фориғ бўлади.

Тиббиёт

Ҳа, замонавий тиббий ускуналарнинг борлиги яхши. Аммо инсон заковати, касб малакаси бўлмаганида, у оддий матоҳ бўлиб қолаверарди. Ушбу ускуналарни моҳирлик билан бошқариб, ноёб юрак жарроҳлигини бажараётган мутахассис-шифокорларимизнинг малакаси, билими ва қобилиятини юксак баҳолаймиз. Зеро, бу усулдаги жарроҳлик Марказий Осиё бўйича фақат шу ерда — Ўзбекистонда муваффақиятли бажарилаётганлиги бунга асос бўла олади. Шу ўринда маълумот учун айтмоқчимизки, ушбу олий технологик муолажа Россияда ҳам саноқли жойларда — Москва, Санкт-Петербург ва Томск шаҳарларида ўтказилади, холос. Шу сабабли хорижлик мутахассислар шифокорларимиз истеъдодини юқори баҳолашмоқда.

— Инсон ҳаётига жиддий хавф соладиган аритмия хасталиклари, аксарият ҳолларда, артериал гипертония, юрак-ишемик касаллиги, жумладан, миокарднинг ўткир инфаркти туфайли юзага келиши мумкин, — дейди ушбу марказнинг кичик илмий ходими Ойбек Салаев. — Буни ўз вақтида аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва асоратларининг олдини олиш биз, мутахассислардан янада кўпроқ изланишни талаб этади. Шу боис бир қатор илмий муассасалар билан ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бораяпмиз.

Бундан ташқари, инфаркт туфайли содир бўладиган ўлим хавфи деярли 3 бараварга камайганлиги ҳам тадқиқотларимиз самарасидир. Албатта, бу борада бизга аҳолининг тиббий маданияти юксалиб бораётгани ёрдам бермоқда. Яъни юртдошларимизнинг ўзлари даволаниш истагини билдириб, мурожаат қилишмоқда. Жумладан, гипертониядан даволаниш истагини билдирган кишилар сони кейинги вақтда 16 фоизга ошганлиги бунинг тасдиғидир.

— Шифокорлар юрак хасталиги ташхисини қўйганда, қаттиқ сиқилдим, — дейди Г. Остонова. — Аммо хавотирим ўринсиз экан. Мазкур марказга келгач, бу ерда бажарилаётган жарроҳлик амалиётлари билан танишиб, беморлар билан суҳбатлашдим. Жарроҳлик ўтказиладиган кунгача барча жараёндан бохабар бўлдим. Тез орада бари ортда қолди, жарроҳлик амалиёти аъло даражада кечди. Муҳими, ҳозир касалликнинг ҳеч бир асоратини сезаётганим йўқ. Аксинча, ўзимни енгил, бахтиёр ҳис этаяпман. Бунинг учун қўли енгил, малакали шифокорлардан миннатдорман.

Қисқаси, мутахассис-шифокорларимиз юрак жарроҳлигидаги ушбу ноёб амалиётни муваффақиятли бажариб, мамлакатимиз тиббиёти тобора илгарилаб бораётганини яна бир карра исботлашди. Зеро, ана шундай заковатли, малакали мутахассис-шифокорларимиз бор экан, тиббиётимиз бундан кейин ҳам довруқ қозонаверади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***2009 йил Сирдарё вилояти спортчилари учун омадли келди. Жумладан, Алишер Абдуллаев универсал жанг бўйича тўрт карра жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Сайхунободлик мактаб ўқувчиси Самандар Калонов шашка бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида барча рақибларини ортда қолдириб, шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.***

# МИРЗАЧЎЛЛИК СПОРТСЕВАР ЁШЛАР



Бундан ташқари, академик эшкак эшиш бўйича Руслан Наурзалиев, шахматдан Сарвиноз Қурбонбоева, боксдан Орзубек Шойимов, велоспорт бўйича ташкиллаштирилган халқаро турнирда эса Вадим Шайхов муваффақиятли иштирок этди. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Бунинг замирида мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган катта ғамхўрлик, спортчи ва мураббийларнинг тинимсиз меҳнати ётибди.

— Бугун вилоятимизнинг кексаю ёш барча аҳолиси бирдай хурсанд, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ижрочи директори Норбобо Соатов. — Бошқа вилоятларда ўтказилган уч босқичли спорт ўйинларини кузатиб, ўша жойларда амалга оширилган бунёдкорлик ишларига ҳавас билан боқардик. Қани эди, биз ҳам ана шу мусобақаларга мезбонлик қилсак, деб орзу қилардик. Шукрки, орзуларимиз ушалди. Ўтган 2009 йили Мирзачўл бағрида жойлашган Гулистон шаҳрида мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари республика босқичи бўлиб ўтди. Шу муносабат билан шаҳримизда IV ТИП лойиҳаси асосида Болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Ундаги ёпиқ сузиш ҳавзаси вилоятда ягона ҳисобланади. Гулистонликларнинг фахри ҳисобланган бу сузиш ҳавзасидаги фильтрлаш тизими тўрт соат давомида сувни тўлиқ тозалаш имкониятига эга. У тўла қувват билан ишлаганда, ҳавзадаги сувдан узоқ вақт фойдаланиш ва уни тежаш имконини беради.

Капитал таъмирдан чиқарилган "Алпомиш" спорт маркази ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшди. Бу ерда 1600 ўринли очиқ теннис корти, баскетбол, гандбол, мини-футбол, волейбол ва бадиий гимнастикага мўлжалланган ёпиқ спорт заллари мавжуд. Шунингдек, 20 минг томошабинни ўз бағрига сиғдира оладиган марказий стадион ва бошқа кўплаб иншоотларда ҳам кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Муҳими, ушбу мажмуалар вилоят аҳли учун катта совға бўлди. Ҳозир уларда юзлаб болажонлар спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича машғулотларда иштирок этмоқда. Қолаверса, ўтган давр мобайнида мазкур спорт иншоотларида мамлакат чемпионатлари ва халқаро турнирлар зўр муваффақият билан уюштирилди.

— Ҳафтасига уч марта сузиш бўйича машғулотларга қатнашаман, — дейди Гулистон шаҳридаги 8-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Арсен Сейдаметов. — Бу ерда шуғулланувчилар учун ҳамма шароитлар яратилган. Ювиниш ҳамда кийиниш хоналари ҳам шинам ва озода. Ҳозир мураббийларим билан шаҳар биринчилигида қатнашишга тайёргарлик кўраяпман.

Таъкидлаш лозимки, яратилган бундай имкониятлар самараси ўлароқ, вилоятда спорт билан мунтазам шуғулланувчи 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар сони 40 мингтадан ошиб кетди. Уларнинг 80 фоизини қишлоқ ёшлари ташкил этаётгани қувонарлидир.

**Шомурод ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Қаҳрамон ҚУННОЗОВ**
**олган сурат.**

## Ижодий учрашувлар

Санъат

***Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театри жамоаси Тўрақўрғон, Чуст, Янгиқўрғон ва Косонсой туманларида ижодий учрашувлар ўтказмоқда.***

Театр ижодкорлари маҳаллаларда, фермер хўжаликларида ва таълим даргоҳларида бўлишиб, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимнинг "Бу чоллар ёмон чоллар" комедияси ҳамда Тўлқин Муҳиддиннинг "Бедаволар" асарини намойиш қилишди. Қишлоқ аҳли маданий ҳаётига мазмун киритадиган бундай учрашувлар вилоятнинг яна бир қатор туманларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ОБ-ҲАВО

**(24 февраль)**

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Туман тушади. Тунда 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1-6, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ ўртасида, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 1-6, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёмғир ёғади. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 1-6, кундузи 7-12 даража илиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Туман тушади. Тунда 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Туман тушади. Ҳарорат тунда 3-5, кундузи 8-10 даража илиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**


# ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИНИНГ

**«Қиш зийнати» ютуқли омонати бўйича 2010 йил 20 февралда Тошкент шаҳри, Чилонзор туманида ўтказилган ютуқлар тиражининг**

## РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

| Т/р | Ютуқ миқдори | Ҳудудий филиал | Туман (шаҳар) филиали | Банк муассасаси | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 1000000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 05-шохобча | КЗ-2 |
| 2 | 1000000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | КЗ1-2 |
| 3 | 250000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-27 |
| 4 | 250000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Хўжайли филиали | 031-шохобча | КЗ-2 |
| 5 | 250000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 025-шохобча | КЗ-16 |
| 6 | 250000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 033-шохобча | КЗ-2 |
| 7 | 200000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Амударё филиали | 031-шохобча | КЗ-2 |
| 8 | 200000 | Самарқанд вилояти | Жомбой филиали | 025-шохобча | КЗ-1 |
| 9 | 200000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | "Килдон" минибанки | КЗ-1 |
| 10 | 200000 | Тошкент вилояти | Оққўрғон филиали | 036-шохобча | КЗ-1 |
| 11 | 100000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-8 |
| 12 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 035-шохобча | КЗ-1 |
| 13 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 034-шохобча | КЗ-5 |
| 14 | 100000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қўнғирот филиали | 023-шохобча | КЗ-3 |
| 15 | 100000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1134 |
| 16 | 50000 | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-44 |
| 17 | 50000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1052 |
| 18 | 50000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 012-шохобча | КЗ-10 |
| 19 | 50000 | Наманган вилояти | Поп филиали | 012-шохобча | КЗ-2 |
| 20 | 50000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт филиали | 054-шохобча | КЗ-1 |
| 21 | 50000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 025-шохобча | КЗ-10 |
| 22 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 05-шохобча | КЗ-6 |
| 23 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 04-шохобча | КЗ-18 |
| 24 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 05-шохобча | КЗ-2 |
| 25 | 25000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1139 |
| 26 | 25000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 04-шохобча | КЗ-3 |
| 27 | 25000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | 027-шохобча | КЗ-4 |
| 28 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 025-шохобча | КЗ-3 |
| 29 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 031-шохобча | КЗ-3 |
| 30 | 25000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | "Мирбозор" минибанки | КЗ-10 |
| 31 | 25000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | 08-шохобча | КЗ-3 |
| 32 | 25000 | Сирдарё вилояти | Сирдарё шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-2 |
| 33 | 25000 | Тошкент шаҳри | Юнусобод филиали | 0500-шохобча | КЗ-1 |
| 34 | 10000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | КЗ1-20 |
| 35 | 10000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1054 |
| 36 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-5 |
| 37 | 10000 | Наманган вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | КЗ-8 |
| 38 | 10000 | Наманган вилояти | Уйчи филиали | "Ғайрат" минибанки | КЗ-11 |
| 39 | 10000 | Тошкент шаҳри | Мирзо Улуғбек филиали | Амалиёт бўлими | КЗ1-30 |
| 40 | 10000 | Наманган вилояти | Тошбулоқ филиали | 011-шохобча | КЗ-2 |
| 41 | 10000 | Наманган вилояти | Янгиқўрғон филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-4 |
| 42 | 10000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1035 |
| 43 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-21 |
| 44 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Кегейли филиали | "Кокшиел" минибанки | КЗ-1 |
| 45 | 10000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | "Ўзбекистон " минибанки | КЗ-4 |
| 46 | 10000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-1 |
| 47 | 10000 | Навоий вилояти | Навбаҳор филиали | 04-шохобча | КЗ-23 |
| 48 | 10000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1102 |
| 49 | 10000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1044 |
| 50 | 10000 | Навоий вилояти | Нурота филиали | 019-шохобчаси | КЗ-1 |
| 51 | 10000 | Тошкент вилояти | Бўстонлиқ филиали | 07-шохобча | КЗ-1 |
| 52 | 10000 | Наманган вилояти | Вилоят амалиёт бўлими | Амалиёт бўлими | КЗ-3 |
| 53 | 10000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Тахтакўпир филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-2 |
| 54 | 5000 | Жиззах вилояти | Зомин филиали | 014-шохобча | КЗ-2 |
| 55 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Элликқалъа филиали | 014-шохобча | КЗ-1 |
| 56 | 5000 | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-52 |
| 57 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Беруний филиали | 042-шохобча | КЗ-9 |
| 58 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Чимбой филиали | 030-шохобча | КЗ-1 |
| 59 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1121 |
| 60 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Денов филиали | 051-шохобча | КЗ-1 |
| 61 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Қораўзак филиали | 01-шохобча | КЗ-1 |
| 62 | 5000 | Навоий вилояти | Навоий вилояти филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-3 |
| 63 | 5000 | Тошкент вилояти | Зафар филиали | 050-шохобча | КЗ-1 |
| 64 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | 012-шохобча | КЗ-5 |
| 65 | 5000 | Самарқанд вилояти | Нарпай филиали | "Мирбозор" минибанки | КЗ-2 |
| 66 | 5000 | Тошкент шаҳри | Яккасарой филиали | Амалиёт бўлими | КЗ1-10 |
| 67 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1131 |
| 68 | 5000 | Навоий вилояти | Хатирчи филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-13 |
| 69 | 5000 | Қорақалпоғистон Республикаси | Респ. амалиёт филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-6 |
| 70 | 5000 | Сурхондарё вилояти | Сариосиё филиали | 05-шохобча | КЗ-1034 |
| 71 | 5000 | Тошкент шаҳри | Миробод филиали | Амалиёт бўлими | КЗ1-15 |
| 72 | 5000 | Навоий вилояти | Навоий шаҳар филиали | Амалиёт бўлими | КЗ-47 |
| 73 | 5000 | Самарқанд вилояти | Булунғур филиали | 027-шохобча | КЗ-3 |

Ҳайъат раиси — Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари М. А. СОДИҚОВА
Масъул котиб — Пул муомаласи департаменти директори ўринбосари М. Ж. САИДОВ



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 103. 63314 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.20 Топширилди — 21.30 1 2 4 5